

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 23 (1349), 2025 йил 1 февраль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАРВОЗАСИ

Президент ташрифидан сўнг

Пойтахтнинг эски шаҳар қисми, хусусан, Ҳазрати Имом (ҳалқ орасида Хастимом) даҳаси теварагида истиқомат қиладиган аҳоли сўнгги йилларда ҳудудда амалга оширилаётган ўзгариш ва бунёдкорлик ишларини мамнуният билан қабул қилмоқда. Тор ва боши берк кўчалар кенгайтирилиб, эски ва нураб қолган уйлар ўрнида замонавий мажмуалар қад ростлаётганидан, тарихий ҳудуд аввалгисидан ҳам жозибадорлик касб этиб, адоқсиз зиёратчиларни ўзига жалб қилаётганидан қувонмай бўладими ахир!

— Теварақдаги 60 йиллар аввалги манзара ҳамон кўз ўнгимда, — дейди таниқли мусаввир, фахрий пенсионер Абдували Мўминов. — Болалигимда масжид қаршисидаги майдонда ҳар якшанба бозор бўлганини яхши эслайман. Савдогарлар, харидорлар лой кўчалардан ўтиб келарди, от-аравалар тикилиб қоларди. Атрофдагиларнинг қай бири масжидга ибодатга келган, ким бозорда савдо билан банд, билиб бўлмасди. Ҳозир



қаранг, бунёдкорлик ишлари нафақат шу ерда тугилиб ўтган мен каби туб аҳоли вакилларини, балки узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг ҳам кўзини қувнатяпти.

Тарихан Хастимом Тошкентнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб келган. Мажмуа имом, олим, Қуръон ва ҳадис билимдони, шоир ва хунарсанд

Ҳазрати Имом — Абу Бакр ибн Исмоил ал-Қафқол аш-Шоший қабри атрофида қад ростлаган. Ҳудуддаги ҳар бир меъморий обиданинг ўз тарихи бор, улар турли даврларга бориб тақалади.

➤ Давоми 2-бетда



Кун мавзуси

Ташаббусли бюджет: ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ МАВСУМИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Фуқаролик жамиятининг асосий жиҳатларидан бири халқ фикри ва овозининг аҳамиятга эга бўлиши, барча жабҳаларда инобатга олинishiда кўзга ташланади. Яъни одамлар мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, муҳим жараёнларда шунчаки кузатувчи эмас, балки бевосита иштирокчига айланиши керак. Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда айти жараён фаоллашгани кўзга ташланади. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун ва қарорлар, лойиҳаларнинг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, одамларнинг турли лойиҳалар доирасида ўз фикр ва ташаббусларини илгари суришига майдон яратилиб, уларнинг аксарияти қўллаб-қувватланаётгани юртдошларимизда дахлдорлик ҳиссини оширяпти. Айниқса, йилда икки маротаба ташкил этилаётган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси халқимиз орасида яхшигина оммалашди.

Бунда одамлар ўз ҳудудидаги ижтимоий муаммолар бўйича “Очиқ бюджет” портали орқали таклифларини қолдиради. Муайян муддат давомида овозлар тўпланиб, ғолиб деб топиладиган ташаббуслар давлат бюджетидан молиялаштирилади. Яъни энди аввалгидек мутасаддиларнинг “Бу масала давлат дастурига киритилган, яқин йилларда ҳал бўлади”, деган гапларига ўрин қолмади. Муаммоларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этишда одамларнинг ўзи иштирок этапти. Жамики киритилган лойиҳалар, уларга берилган овозлар ва ажратиладиган пулларнинг бари шаффоф тизим орқали кўриниб туради.

Маблағлар ҳам қисқа фурсатларда ажратилаяпти. Шу вақтгача “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ортидан ҳудуддаги минглаб ижтимоий масалалар ечимини топиб, қанчадан қанча йўллар асфальтланди, ижтимоий соҳа объектилари қайта таъмирланди, жойларга ичимлик сув, электр токи етиб борди. Бунинг учун ўша ҳудудлардаги одамларнинг бирлашиб, биргаликда ҳаракат қилаётгани, аниқса, лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятини янада оширмоқда. Юртдошларимиз ҳар гал “Ташаббусли бюджет”ни қизгин кутиб, унда фаол иштирок этиши одатий ҳолга айланди.

➤ Давоми 4-бетда



ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНГАНИНИ КўРСАТУВЧИ ЭНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Бугун энергиядан фойдаланиш ҳажми шиддат билан ошмоқда. Келгусида янада кўпайиши биосфера ҳамда инсоният тараққиёти учун катта хавф туғдиради. Шу сабабли бутун дунёда ўтган асрнинг охириги ўн йилдан бошлаб, энергиянинг қайта тикланувчи, экологик тоза манбалари, аввало, қуёш ва шамол имкониятидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, ҳозир шамол энергиясини ўзлаштириш суръати фақат ахборот технологияларидан бир оз ортда қолмоқда. Қуёшли кунларга бой Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш стратегияси энди ишлаб чиқилмоқда. Гарчи ҳозир қайта тикланадиган энергетика технологиялари учун харажат энергия олишининг анъанавий технологиялари чиқимидан анча ошса-да, улар жорий этиладиган объектларни аниқ қайд этиш мумкин.

Кун сайин аҳоли сони кўпайиши ва одамлар турмуш даражаси яхшиланиши сари электр энергиясига талаб ҳам ошиб бораверади. Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоиз, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоиз ошгани бу кўрсаткич йилига 6 фоиздан ўсиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда қуёшли кунлар сони уч юз кундан ортиқ бўлиши ҳамда қуёш энергиясининг техник имконияти 266 миллион тонна шартли ёқилғи ўрнини босиши қуёш энергиясидан оқилона фойдаланиш заруратини юзага келтиради. Бу борада қуёш энергиясини бошқа турдаги энергияга айлантириб бевурич қуёш энергетика қурилмалари қўл келлади.

Дунё “яшил” иқтисодиёт ҳамда тўртинчи саноат инқилоби доирасида глобал экологик муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилар экан, қайта тикланувчи энергетика иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва табиий ресурсларни самарали бошқаришда ҳал қилувчи ўрин тутуши тобора исботини топмоқда. Иқтисодиётнинг экологик тамойилларга асосланган ҳолда шаклланиши фақат энергия манбалари эмас, балки технологиялар, инновация ва рақамлаштириш билан боғлиқ кенг қўламли ўзгаришларни ҳам талаб этади. Шу боис, “яшил” иқтисодиёт концепцияси асосида айнан муқобил энергетика глобал иқтисодиётнинг декорбонизация қилишда муҳим компонент сифатида кўриломоқда.

➤ Давоми 3-бетда

Ислоҳотлар амалда

ТОМОРҚА ШУНЧАКИ “ТОМ ОРҚАСИ” ЭМАС

УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТОБОРА ДОЛЗАРБЛАШИБ БОРМОҚДА

Жорий йилнинг 30 январь кунин Президентимиз томонидан томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизими бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу йўналишда долзарб бўлган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат, бугун ердан оқилона ва унумли фойдаланиш ҳар қачонгидан муҳим бўлиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар одамларнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга, унинг ҳар қарчилини самарали ишлатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



“ЕРГА, МУЛККА МУНОСАБАТИМИЗ БУТКУЛ ЎЗГАРДИ”

Зоминлик Абдор Ширинбоев ижарага ер олиб, деҳқончилик қилар, бироқ ҳар доим ҳам экиндан яхши даромад топмасди. Табиат инжиқликлари, сув етишмовчилиги ва бошқа омиллар сабаб етиштирилган ҳосил бир ўхсаса ўхшарди, ўхшамаса йўқ.

Оиласи, рўзгорини обод этиш учун Абдорнинг нима қилсам экан дея боши қотиб юрганида маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Дилшод Бозорбоевнинг таъсияси ва маслаҳати билан “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида банкдан 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди.

Томорқасида уч сотихли иссиқхона барпо этган Абдор Ширинбоев Жанубий Кореядан келтирилган “Солхун” қулупнайидан 3700 туپ эқди. Ўтган йилнинг августда гидророника усулида экилган резавор нобрга

Ҳар бир оила — тадбиркор

келиб пишиб етилди. Бу навнинг маҳаллий навлардан афзаллиги шундаки, парвариш яхши бўлса, йил-ўн икки ой қулупнайидан ҳосил олиш мумкин. Иссиқхонанинг юза қисмида бир вақтда беш-олти турдаги қўқатлар ҳамда захира учун қулупнай кўчатлари ҳам парвариш қилинаётди.

— Биз одатда баҳорда қисқа муддатда етиштирилувчи маҳаллий қулупнай навларига шакар қўшиб истеъмол қилишга ўрганганмиз, — дейди тадбиркор Абдор Ширинбоев. — Бу корейс нави мевасини йириклиги, бўлиқлиги, ширинлиги сабаб шакарсиз истеъмол қилиш мумкин.

➤ Давоми 4-бетда



Йиғилишда қайд этилган янгиликлар бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда 5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгаси 508 минг гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Томорқасида ҳар ким ўз имконияти, ихтиёрига қараб маҳсулот етиштиради. Талабгорлар орасида мева-сабзавотчиликка қизиқаётганлар кўп. Айримлари бу иш билан аввалдан шугулланиб келган. Баъзилар тажрибали деҳқонлардан ишнинг ҳадисини олиб, сўнг бу ишга киришмоқда. Муҳими, вақтини ҳам, ҳовлисини ҳам бўш қолдирмай, оиласи даромадига ҳисса қўшиб келяпти. Лекин ҳали бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Масалан, томорқа ва деҳқон хўжалиги ерлари, уларда етиштирилган маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича ҳам янгича тизим бўлади. Бунинг учун йил якунигача томорқалар ва экин ерлари алоҳида таснифланади. Уларда нима экилгани “онлайн маҳалла” платформасига киритилади. Ердан самарали фойдаланиб, бир сотихдан 5 миллион сўмдан юқори расмий даромад олаётган деҳқонларга ер солиғининг 90 фоизи кэшбек сифатида қайтариб берилади. Аксинча, томорқасига экин эмаганлардан ер солиғи оширилган миқдорда ундирилади.

Ҳозир бу соҳада “рақамли бозор” бўлмагани учун деҳқонлар мева-сабзавотга харидор, қайта ишловчи ва экспортчилар эса маҳсулот қидириб юрибди. Шу боис, уларни ўзаро боғлайдиган “маркет плейс” ишга туширилади.

Хонадон томорқаларидан фойдаланишнинг яна бир самарали усули иссиқхоналар қуришдир. Бу орқали ҳам яхшигина даромад, ҳам йилига икки-уч марта ҳосил олиш мумкин. Ҳатто оила аъзоларидан ташқари қўшимча бир неча кишини иш билан таъминлаш имконияти бор.

➤ Давоми 3-бетда

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

Санжар ШОҚЎЧҚОРОВ,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори

қилади. Ҳар хил ёқилги ва энергия тури кам сонли мамлакатлар ҳудудида тўпланиб қолган. Ушбу давлатларда энергия истеъмоли миқдори баъзида улардаги органик ёқилги захирасидан анча кам. Бу эса энергия ташувчилар учун нархлар ўсиши, айрим мамлакатлар ва аҳоли баъзи тоифаларининг энергетика хизматларидан фойдаланишини чеклаб қўймоқда. Давлатлар ўртасида қарама-қаршилиқлар, ҳатто урушларга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, органик ёқилгини қазиб олиш, қайта ишлаш, транспортировка қилиш ва фойдаланиш атроф-муҳитга ҳам мислсиз зарар етказиши. Энергетика билан таъминлашнинг анъанавий усуллари ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишини инобатга олсак, энергетика ресурсларини истеъмол қилиш ҳажми ошиб бораверади. Экологик тоза энергетика технологиялари эса ҳозирча ушбу муаммони ҳал қилишга сезиларли таъсир кўрсата олмайпти.

Назарий жиҳатдан қараганда, қайта тикланувчи энергия манбалари улардан кенг қўлланилган фойдаланиш учун катта имконият яратяди. Бироқ бу билан боғлиқ молиявий харажатлар ва бажарилиши лозим бўлган



Тобора жадаллашиб бораётган иқлим ўзгаришига қарши курашда энергиянинг ушбу турини ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этиши мумкин. Сабаби уран оксиди парчала-нишида иссиқхона эффектига сабаб бўлувчи газ жуда кам миқдорда ажралади. Ҳозир бутун дунёда ишлаб турган АЭСлар ҳисобига тахминан 2 миллиард тоннага яқин карбонат ангидрид газ атмосферага чиқишининг олди олинмоқда.

Ядро энергетикаси иншоотини барпо этиш бирмунча қиммат баҳоланса-да, ишлаб чиқарилган электр энергияси анча арзон бўлади. Бунга амалий мисол сифатида Францияда электр энергияси нархи Европадаги энергия нархи ўртача кўрсаткичидан 25 фоиз арзон эканини келтириш мумкин. Шунингдек, ушбу мамлакат ҳар бир киловатт-соат электр энергияси олиш учун 85 грамм карбонат ангидрид газ ҳисоб қилиб, шу кўрсаткич сабабли дунёдаги карбон энг нейтрал энергияга эгаллик қилади. Таққослаш учун айтиш керак: бутун дунёда бу кўрсаткич ўртача 438 грамм.

Имтиёزلардан қай даражада фойдаланяпмиз?

“Яшил энергия” ахборот тизимидан олинган маълумотга кўра, бутун мамлакатимиз бўйича 98 минг 246 та объектга 970 мегаваттлик кичик қуёш электр станциялари ўрнатилган.

Бутун кўпчилик юртдошларимизда қуёш панелини ўрнатганларга қанча субсидия берилиши, қандай солиқ имтиёзлари борлиги, тадбиркорларга қандай имкониятлар яратилиши бўйича саволлар туғилмоқда.

2023 йилнинг 1 апрелдан республика-мизда аҳоли хонадонларига кичик қувватли, яъни умумий қуввати 50 киловаттгача бўлган қуёш панелини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастур доирасида аҳоли томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган оптикча электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига 1000 сўмдан субсидия ажратилди.

Қуёш панелларини ўрнатган фуқаролар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи, юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергия-си учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғидан озод этилди. Қолаверса, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ёки ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан тўғри тузилган, жумладан, узоқ мuddатли шартномалар асоси-да сотиши мумкин.

Қуёш панелларини ўрнатмоқчи бўлган фуқаро ва тадбиркорларга банклар кредит ажратмоқда.

Электр энергияси бизга ҳар куни керак. Шундай экан, табиат инъом этган қайта тикланувчи манбалардан унумли фойдала-ниш лозим. Бу ҳар томонлама ўзини оқлай-ди. “Яшил” технологияларни қўллаш орқали бир неча баробар кўп қувват олиш ва милли-ардлаб маблағни тежаш мумкин.

Ушбу йўналишда чиқарилаётган ҳуж-жатлар ижроси мамлакатимизда қуёш ёки шамол электр станциялари билан бирга бошқа турдаги энергетика-жамкор қурилма-ларнинг ҳам аҳоли ўртасида кенг оммала-шишига олиб келади. Аҳолида манфаат-дорлик ҳисси шаклланади, оилани моддий таъминлаш учун катта имкониятлар яра-тилади. Харид қилинган қуёш ёки шамол электр станцияларининг ўз-ўзини қоплаш мuddати камайди, дисконт фойда миқдори ошади. Ушбу тадбирлар натижасида аҳо-лининг “яшил” технологиялардан сама-рали фойдаланиши ҳамда экологик тоза қурилмаларнинг ҳаёт тарзими-га сингиб боришига кенг йўл очилади.

ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ

мамлакат ривожланганини кўрсатувчи энг асосий тамойил

Бошланиши 1-бетда

Бу борада мақсадларимиз бор

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, энергетика, қурилиш, транспорт, қазилма бой-ликларни қазиб олиш, қайта ишлаш, уму-ман, иқтисодиётимизнинг барқарор ривож-и атроф-муҳит муҳофазасида бир қанча огир масалаларни вужудга келтирмоқда. “Яшил” транспортга жадал ўтиш, қайта тикланувчи энергетика ишлаб чиқариш ҳажмини оши-риши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа-сини кенг жорий этиш, “яшил” иқтисодиёт-га ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик мақсадига айланган.

БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадди конвенциясига 193 мамлакат қаторида Ўзбекистон ҳам аъзо. Шунингдек, мамлака-тимиз 2021 йил ноябрда Буюк Британиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган Иқлим бўйича халқаро саммитда жаҳон ҳамжамияти ол-дида 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан иссиқхона газ-и улушини 35 фоиз камайтириш ташаббусини билдирди. Маз-кур мақсадларга эришиш учун шу даврда қайта тикланувчи энергетика манбалари орқали энергия ишлаб чиқариш қувватини қарийб 16 минг мегаваттга етказиш режа-лаштирилмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг техник салоҳияти 180 миллион тонна нефть муқобилига тенг бўлиб, йиллик энергия ре-сурсларига талабдан уч баробар зиёд. Бу мазкур йўналишда имкониятимиз етарли эканини аниглади. Айни пайтда юртимиз-нинг 7 та вилоятда умумий қуввати 2,4 гига-ваттлик 9 та юқори қувватли қуёш фото-электр станцияси ҳамда битта шамол электр станцияси томонидан “яшил” энергия ишлаб чиқарилаётгани шундай сазй-ҳаракатлар са-марасидир.

Қазилма ёқилгиларнинг геологик захира-си географик ҳудудларда тенг тақсимланма-ган ва уларни қазиб олиш харажати ҳам фарқ

шартлар ушбу манбалар жозибadorлигини муайян даражада пасайтиради. Иқлимнинг глобал ис-иб кетиши билан боғлиқ муам-мони этибдордан соқит қилганда ҳам яқин келажақда муқобил энергетика имконияти чекданганича қолаверади.

Утган йил 13 декабрда Президентимиз энергетика соҳасидаги объектлар ва лойи-ҳаларини фойдаланишга топириш мароси-мида қиймати 7 миллиард долларлик 24 та янги қувватни ишга туширди. Янги лойиҳа-лар орқали 4 миллиондан ортиқ хонадон уз-луксиз тоза энергия билан таъминланишини таъкидлади. Маросимда ишга тушаётган қувватлар ва янги лойиҳалар орқали келгус-си йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежалиши,

4,6 миллион тонна зарарли газ чиқарилиши-нинг олди олиниши қайд этилди.

Энг асосийси, 4 миллиондан зиёд хона-дон узлуксиз тоза энергия билан таъминла-нади. Умуман олганда, жорий йилда жами 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу 2016 йилга нисбатан 25 миллиард киловатт-соат ёки 1,5 баробар кўп дегандир.

Бугун Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва ишга тушириш борасида хориж-лик ҳамкорлар билан ишлар жадал давом эттирилмоқда. Жаҳоннинг етакчи компани-ялари Ўзбекистоннинг “яшил” энергетика бозорига катта қизиқиш билан қарамоқда. Тармоқда таниқли ва катта тажрибага эга “Masdar”, “ACWA Power”, “Akso Energy”

каби компаниялар анча фаол. Бу, асосан, юртимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти юқори экани ҳамда инвесторлар-га қулай шароит яратилиши, уларнинг та-дбиркорлик фаолияти юритиш ҳуқуқи мухо-фаза қилингани билан боғлиқ. Қолаверса, мамлакатимизда мазкур тармоқда хорижий инвесторлар жалб этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан рақобат муҳитини юза-га келтиради. Натижада зарур қурилмалар, станциялар ва бутловчи жиҳозлар арзонла-шувига олиб келади. Хориж тажрибасидан самарали фойдаланишимизга имкон беради.

Юқоридаги омилларни инобатга олиб айтиш мумкин: юртимизда қуёш ва шамол энергетикасидан қуёш қувватли қуёш ва ша-мол энергетикаси қурилмаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Қилинаётган ишлар ҳам айнан шу йўналишда ривожланиб бораётган-ди диққатга сазовор. Ўзбекистон бу борада ўз мақсадлари сари дадил одимламоқда.

Муқобил энергиянинг яна бир манбаи

Ҳозир дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича Германия, Япония, Хитой АҚШ, Испания ва Ҳиндистон етакчилик қилмоқда. Баъзи ривожланган дав-латлар атом электр станцияларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланмоқда. Аксарият етакчи мамлакатлар энергетика ти-зимига эътибор қаратилса, ишлаб чиқарилган қувватнинг катта улуши айнан АЭСлар ҳис-сасига тўғри келади. Бунинг сабаби ҳозирча энг барқарор энергетик ечим сифатида айнан ядро энергетикаси кўрилатганидир. Халқа-ро атом энергияси агентлиги маълумотларига кўра, мамлакат ички энергетика соҳасида ядро қуввати улуши энг юқори бўлган мамлакатлар сирасига Франция, Словакия, Венгрия қиради. Россия, АҚШ, Хитой ҳам ушбу йўналишда анча фаол.



ТОМОРҚА ШУНЧАКИ “ТОМ ОРҚАСИ” ЭМАС

УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТОБОРА ДОЛЗАРБЛАШИБ БОРМОҚДА

Зафар МИРЗААҲМЕДОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгаши
етакчи мутахассиси

Бошланиши 1-бетда

Янги иш ўринлари яратиш, айрим инсон-лардаги боқимандалик кайфиятини йўқотиш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг йўнали-тириш мақсадида ўтган йили 152,4 минг хона-дондаги жами 2591 гектар майдонга ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Айни пайтда 696,9 мингдан зиёд хонадонда шундай иссиқ-хоналар мавжуд бўлиб, аҳоли уларда меҳнат қилиб, рўзгорига қўшимча даромад кири-тыпти.

Масалан, Андижон вилоятининг Асака ту-манида истиқомат қилувчи Моҳирбек Тўрақу-лов хонадонидagi ихчам иссиқхонада цитрус мева етиштириб, йилига 150-200 миллион сўм даромад олмақда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бундай иссиқхоналарни қуриб, аҳолига имтиёзли кредитлар асосида топиришда “Томорқа хизмати” МЧЖ корхоналарининг ҳиссаси катта бўляпти.

Худудларда томорқа билан ишлайдиган, аҳоли-га моддий ресурсларни етказиб берадиган, молия-

лаштирадиган ва экин экишни назорат қиладиган тизим яратилиб, “Томорқа хизмати” МЧЖлар фао-лиятининг йўлга қўйилиши одамларга деҳқончи-лик ишларини бошлашда катта қўмак бермоқда.

2018 йилда синов тариқасида илк бор таш-кил этилган “Томорқа хизмати” корхоналарига

йил сайин талаб ортиб бораётганининг саба-би ҳам шу. Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан рес-публикаимиз бўйлаб 3 мингдан зиёд “Томорқа хизмати” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай корхоналар аҳолига иш бошлаган илк куниданоқ қўмақчи бўлиб, томорқаларга экин экиш, олинган ҳосилни харидорга етказишга қадар ёрдам бериб келяпти. Жойларда аҳоли то-морқаларини шудорлаш, зарур уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хонадонларга ихчам иссиқхона қуришда қўмаклашиш, эчки, қўй, қуён, парран-да, асалари уялари етказиб бериш каби ишларни “Томорқа хизмати” корхоналари орқали ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Бундай корхоналар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан мунтазам қўллаб-қувват-лаб келинапти. Хусусан, 2024 йилнинг сўнгги 6 ойида “Томорқа хизмати” корхоналарида 417 та мева-сабзавотлари совитиш, 607 та мева-сабзавотни сақлаш омбори, 403 та ме-вани саралаш, қадоқлаш, қуриштиш ва қай-та ишлаш линияси ташкил қилинди. Маз-кур йўналишлар учун кенгаш ҳузуридаги жамгармадан 378,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.



Соҳа ривожиди кластерлар муҳим драй-верга айланаётир. Утган йилдан “Томорқа хизмати” кластерлари ҳам ташкил этила бо-шланди. Хусусан, айни вақтда мева-сабзавот кўп етиштириладиган туманларда 12 та йўна-лиш бўйича 68 та томорқа хизмати кластери ишламоқда. Улар томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, дўконларга етказиб бе-риш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехлари очишда қўмақчи бўляпти.

Умуман, “Томорқа хизмати” МЧЖлар бутун мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, томорқа-ларда етиштирилган ҳамда кластерлар томо-нидан қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларини ички бозорларимиздан ташқари хорижага экспорт қилишда ҳам фаол иштирок этапти.

Жумладан, ўтган йилда 30 та “Томорқа хиз-мати” корхонаси томонидан 15 миллион до-ларлик 65,7 минг тонна маҳсулот Германия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Хитой, Малайзия, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизис-тон, Афғонистон, Россия, Украина ва Европа-нинг қатор давлатларига жўнатилди.

Ер олиб, экин эккан билан ҳосил мўл бўлвермайди. Яхши натижага эришиш учун билим, тажриба зарур. Худудларда маҳалла-бай ишлаш тизими, уйма-уй юриш орқали тарғибот қилиш, “Бир маҳалла — бир маҳ-сулот” тамойили асосида ишларни тизимли йўлга қўйиш аҳолига қулайлик яратяпти. Ушбу тизим натижасида республика бўйи-ча 5145 та маҳалла муайян турдаги маҳсу-лот етиштиришга ихтисослаштирилди. Шу тариқа сабзавотчилик, картошкачилик, ме-ваччилик, богдорчилик, чорвачилик, парран-дачилик ва бошқа йўналишлар маҳаллалар миқёсида ривожлантириляпти.

Хонадонларнинг бир маҳсулотни етишти-ришга ихтисослаштиши қатор афзалликларга эга. Аввало, “Томорқа хизмати” МЧЖлар томо-нидан битта маҳаллага бир маҳсулот уруғи ёки кўчати етказиб берилиши ҳисобига хонадонлар эгаларининг ҳам вақти, ҳам нақди тежалади. Маҳсулот пишиб етилгандан кейин ҳам хари-дор топишда муаммолар бўлмайди. Бир маҳсу-лотни катта ҳажмда олувчи харидорлар доим топилади.

Кун мавзуси

Бошланиши 1-бетда

Шу кунларда йирик лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсуми старт олди ва у 1 февралдан 20 мартга қадар давом этади. Жараёнларнинг лойиҳа киритиш босқичи 1-20 февралда, саралаш босқичи 21 февраль – 7 март кунлари бўлиб ўтади. Сўнг 8-10 мартда тарғибот босқичи, 11-20 март саналарида эса овоз бериш босқичи ўтказилади. Биринчи мавсум ғолиблари шу йил 21 март – Наврўз умумхалқ байрамида эълон қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг бу йилги биринчи мавсумида 2,7 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Талаб ва мезонлар қандай?

“Ташаббусли бюджет” ўз номи билан бюджет маблағларининг муайян қисmini сарфлаш бўйича ташаббусларни илгари суриш орқали аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда бевосита иштирок этиш шаклини англатади. Фуқаролар томонидан муайян таклиф илгари сурилар экан, у жамоатчиликка очик тақдим этилади. Лойиҳага омма томонидан овоз берилади. Ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва лойиҳалар берилган овозлар сонидан келиб чиқиб сараланади, молиялаштирилади.

Маълумотларга кўра, бу амалиёт дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Бразилия ва Жанубий Кореяда кенг тарқалган. Юртимизда эса лойиҳа 2021 йилдан тажриба тариқасида йўлга қўйилди. Аммо ундан аввалроқ бунга омил яратилиб, фуқароларнинг ҳатто бюджет маблағларини шакллантиришдаги иштирокини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бошланганди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан 2018 йилдан давлат бюджетини шакллантириш ва маблағларни жойларда тақсимлашга бевосита фуқароларни жалб этиш механизми яратилди.

Бунинг амалиётдаги содда ва қулай шакли эса “Ташаббусли бюджет” кўринишида киниб келди. 2021 йилда “Очиқ бюджет” платформаси ишга туширилиб, унда “Ташаббусли бюджет” бўлими очилди. Бу ерда фуқаролар ўз яшаш ҳудудидagi кичик маҳаллий муаммоларни ҳал этиш учун лойиҳалар таклиф қилиши мумкин. Аҳоли кўпинча йўл ёмонлиги, таълим ва тиббиёт муассасалари таъмир-талаб ҳолга келиб қолгани, муҳандислик инфратузилмлари етишмаслигини кўрсатади. Энг кўп овоз олган лойиҳалар ғолиб чиқиб, молиялаштирилади.

Биринчи йили “Ташаббусли бюджет” унчалик оммалашмади. Фуқаролар бюджет пуллари тақсимотида ўзи қатнаша олишига, умуман, давлат солиқ тўловчилар ҳақида қайғуришига кўп ҳам ишонмади. Қолаверса, янги тизимни ҳамма бирданига тушулмади. Шунга қарамай, лойиҳанинг илк мавсумида 1100 та таклиф тушди. Ғолиб лойиҳалар молиялаштирилиб, одамлар кўтарган муаммолар дарҳол ечила бошлашга, бирданига лойиҳага қизиқиш ортди. “Ташаббусли бюджет”нинг 2021 йилдаги иккинчи мавсумида таклифлар сони кескин ошиб, 41 минг 125 тага етди. Шу тариқа мазкур ташаббус қисқа вақтда йирик лойиҳа сифатида оммалашди.



Ташаббусли бюджет: ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ МАВСУМИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

2022 йилдан “Ташаббусли бюджет” ўзбекистонликларнинг эътиборидаги муҳим жараёнлардан бирига айланди. Ўша йилнинг биринчи мавсумида 69 минг 700 та, иккинчи мавсумда 61 мингта таклиф киритилгани маълум қилинди. Лойиҳадаги ташаббуслар юртимиздаги маҳаллаларнинг 98 фоизини қамраб олиб, таклиф бермаган маҳалла қолмади ҳисоб. 2023 йилда фуқаролар танлаган лойиҳалар учун аввалги йилгидан 3,5 баробар кўп — 8 триллион сўм ажратилганди. 2024 йилдаги 2-мавсумнинг ўзида 1772 та лойиҳа ғолиб деб топилди, 2 триллион 271 миллиард сўм ажратилди.

Аммо лойиҳада рақобат катта экани, ғолиб бўлиш осон эмаслигини юртдошларимиз яхши билади. Таклифлар овоз бериш босқичига қадар ҳам ишчи комиссия томонидан сараланади. Лойиҳалар қатор мезонлар асосида танлаб олинади. Хусусан, лойиҳада акс этган муаммо ёки тадбир муайян туман (шаҳар) ҳудудига тегишли бўлиши, жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилиши, жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятларга эга бўлмаслиги, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашмаслиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш натижасида пули хизмат асосида фойдаланилмаслиги, бюджет ташкилотини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни ўзида акс эттирмаслиги каби талаблар мавжуд. Борди-ю, бир хил мазмундаги бир неча лойиҳалар илгари сурилган бўлса, улардан маълумоти тўлиқ кўрсатилган дастлабки киритилган лойиҳа қабул қилинади.

Бутунги кунда “Ташаббусли бюджет”-ни одамларни бир мақсад йўлида



бирлаштираётган, ўз ҳудудидagi муаммоларни биргаликда ечишга ундаётган энг катта лойиҳа дейиш мумкин. Ахир қачон юртдошларимизда маҳаллий муаммоларни ўртага ташлаб, уни тақдим эта олиш, унинг учун зарур маблағни қўлга киритиб, масаланинг ечимига қадар ўзи назорат қилиш имконияти бўлган?! Қолаверса, бирлашиб қилинган ишларнинг қадри ҳам, қиймати ҳам баландроқ бўлади.

Ўтган йили “Ташаббусли бюджет”да ғолиб бўлган Зарбдор тумани 2-умумтаълим мактабиди няхоят болалар учун янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энди ўқувчилар спорт машғулотларини ана шу кўркем ва замонавий залда ўтказаяпти. Ўйингоҳ нафақат ёшлар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам хизмат қилади.

Чунки унинг қурилишига кўпчилик ўз овози билан ҳисса қўшган. Қолаверса, ҳозир ҳар бир ёшдаги инсон учун спорт билан шуғулланиш муҳим. Мактаб жамоаси эса бунга ўз ҳиссасини қўшмоқчи. Ён-атрофдаги аҳолининг залга келиб шуғулланиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратилди.

Урганч туманидаги қатор маҳаллаларда эса кўчаларга асфальт ётқизиш зарурати бўлган. Лойиҳанинг ўтган йилги иккинчи мавсумида тумандаги Тандирчи маҳалласи фуқаролари томонидан ички йўллари асфальтлаш таклифи киритилган эди. Ташаббус энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар қаторидан жой олиб, айрим кўчаларга асфальт ётқизилди. Бундай мисолларни ҳар бир ҳудуддан ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин.

Қўшимча ўзгартиришлар киритилди

Қисқа вақтда амалий натижа берадиган лойиҳа ҳаммани қизиқтириши рост. “Ташаббусли бюджет”нинг бу қадар оммалашгани боиси ҳам шунда, натижа-си тез фурсатда кўринади. Шундай экан, таклифлар кўплиги, ҳамманинг ғолиб бўлишга интилиши табиий. Аммо бу жараён қандай бўлмасин овоз тўплаш учун турли усуллардан фойдаланилиб, қатор эътирозларни юзага келтиргани ҳам сир эмас. Ҳар бир овоз учун бирор нарса таклиф қилишлар очикчасига кузатилганига гувоҳ бўлдик. Сунъий овоз тўплаш ҳолатлари учради. Аммо ҳар қандай лойиҳа то тақомиллаштирилгунча қадар шундай камчиликлар юз беради. “Ташаббусли бюджет” одамларни бир оз шошириб қўйган бўлса-да, фуқароларда сайлов кампаниялари ўтказиш, ўз таклифларини очик илгари суриш, жамиятдаги муаммоларга нисбатан фаоллик кўрсатиш кўникмасини шакллантира олди. Овоз бериш жараёнларидаги кўзга ташланган камчиликларга келсак, бу тизим тадрижий ривожланиб, лойиҳа аввалида ишлаган айрим усуллар тақомиллаштирилипти, умрини яшаб бўлган бошқалари эса аста-секин фойдаланишдан чиқмоқда.

Масалан, 2024 йилдан “Бир фуқаро — бир овоз” тамойили жорий этилди. Бу бир

фуқаро, унинг номида бир неча SIM карта бўлса ҳам, бир мавсумда фақат бир марта овоз бера олишини англатади. Мазкур чора кўп SIM карта сотиб олиб, лойиҳасининг ғолиблик имкониятини оширишга уринганларнинг хатти-ҳаракатларига жавоб бўлди. Бундан ташқари, мазкур тамойил турли кўринишдаги овоз тўплашга мажбурловларнинг ҳам олдини олади.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 13 январдаги қарори билан жорий йилдан “Ташаббусли бюджет”ни амалга ошириш жараёнига бошқа қатор ўзгартиришлар киритилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълум қилишича, энди ҳар йили ҳар бир туман ёки шаҳарда камиди 10 та ва кўпи билан 30 та лойиҳани амалга ошириш учун етарли маблағ ажратилади. Бу қўллаб-қувватладиган ташаббуслар сони бўйича минимал ва максимал чегарани белгилайди. Агар лойиҳалар сони 10 тадан ошса, маблағ туман ёки шаҳардаги аҳоли сонига қараб тақсимланади. Бу эса аҳоли зич жойлашган ҳудудлар кўпроқ молиялаштиришга даъво қилиши мумкинлигини англатади. Ҳозирги кунда битта лойиҳани молиялаштиришнинг чегаравий қиймати 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, туман ёки шаҳар бюджетларидан ажратиладиган маблағларнинг энг кам миқдори 15 миллиард сўмни, энг кўпи 45 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, энди ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтганини инобатга олган ҳолда жорий йил 1-мавсумдан бошлаб молиявий мустақил бўлган олий таълим муассасаларининг “Ташаббусли бюджет”да иштирокига рухсат этилмайди. Ижтимоий муаммоларга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадида ташкилотлар томонидан барча турдаги автомобиллар, жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид жиҳозлар (радар, жамоат жойларидаги кузатув камералари, светофор), раҳбар ходимлар учун мебель жиҳозларини харид қилиш тақиқланди. Албатта, бу ҳолатларнинг назорати ҳам олиб борилади. Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бюджет ташкилотлари ходимларини овоз беришга мажбурлаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ташкил қилади ва ҳар бир мавсум якунлари бўйича Сенатга ахборот тақдим этади.

Шундай қилиб, “Ташаббусли бюджет”нинг 2025 йилдаги биринчи мавсуми старт олди. Одамлар эса “Очиқ бюджет” портали орқали таклифларини кирита бошлади. Демак, юртдошларимиз томонидан илгари суриладиган яна минглаб ташаббуслар ўртага ташланиб, ғолиб бўлганлари қисқа фурсатларда амалий ечимини топади. Халқнинг таклифлари, одамларимизнинг овози билан қанчадан қанча йўл таъмирланиб, янги масканлар қурилади, ижтимоий манзиллар обод бўлади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ҳар бир оила — тадбиркор

“ЕРГА, МУЛККА МУНОСАБАТИМИЗ БУТКУЛ ЎЗГАРДИ”

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, экспортбоп нав саналган “Солхян” қулуپнайи Жануби-шарқий Осиё давлатларида анча машҳур. Бу навнинг ўзига хослиги шундаки, қулупнай декабрдан майгача ҳосил беради. Жаҳон бозорида нархи юқори баҳоланади. Дастлабки йилларда ниҳоллардан ҳафтасига ўн килодан ҳосил йиғиштириб олинса, вақт ўтиб, ҳосил чўғи юқорилаб бораверади. Қулупнайнинг яна бир томони, ҳар бир тупда ҳам мева, ҳам гуллар ривожланиб, босқичма-босқич, навбатма-навбат даврийлик тартиби бўйича худди

бодринг етиштириш усулига ўхшаб, етилган ҳосил пешма-пеш йиғиштириб олинади.

— Иссиқхонадаги экин учун энг асосийси, ёруғлик, ҳарорат, сув, ўғит, дори ва албатта, меҳр, — дейди хонадон бекаси Ҳафизахон Шириноева. — Машаққатдан кейин ютуқлар ҳам келади. Минг шукр, меҳнатимиз роҳатини кўряпмиз. Ерга, мулкка муносабатимиз буткул ўзгарди.

Ўтган кунни териб олинган қулупнайнинг ҳар килосини тадбиркор 170 минг сўмдан улгуржи нархда буюртмачиларга сотди. Томорқасига узумнинг экспортбоп қора ва қизил хусайни, қора жанжал навларидан экди. Учга сигир, паррандалар ҳам парвариш-лаётган Абдор Шириноев бутун ўзини ва яқинларининг бандлигини таъминлаб, икки оиланинг рўзгорига барака киритаётганидан мамнун. Тадбиркорлик қилиш ниятида ундан маслаҳат сўраб келаётган ҳамқишлоқлари сони кўпайиб бормоқда.

— Ўтган йили 39 фуқарога имтиёзли кредит ажратиб, тадбиркорлик бўйича бандлигини таъминладик, — дейди Зомин тумани “Гулшан” ҚФИдаги ҳоким ёрдамчиси Дилшод Бозорбоев. — 15 аёлга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Ишсиз 9 фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди.

Чорвачилик, деҳқончилик — маҳалланинг асосий драйвери. Маҳаллада ишсизлар сонини қисқартириш, ердан, томорқадан унумли фойдаланиш ва даромад олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор янги лойиҳалар, Сайхунбод, Уйчи, Ёғдудов, Зарбдор тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Шу маҳаллада яшовчи Асҳад ва Гулноза Имангуловларнинг томорқасида бўш жойнинг ўзи қолмаган. Имтиёзли кредит ҳисобидан 2,5 сотих иссиқхонада лимоннинг “Мейер” нави етиштирилмоқда.

— Лимон ёруғлик ва доимий намлик талаб қилувчи, қуруқ ҳавони ёқтирмайдиган

Оилавий тадбиркорлар боғдорчиликдан ҳам яхшигина даромад топяпти. Боққа ўн турдан ортиқ 200 тупга яқин мевали дарахт экилган. Шунингдек, томорқада резаворлар, қўкат ва зираворлар бор. 30 та қўй, 2 та сигир, паррандалар ҳам парваришланаётир.



цитрус мева, — дейди хонадон бекаси Гулноза Имангулова. — У кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 45 йилгача умр кўриши мумкин. Бир туп лимон 30 дан 200 донагача мева беради.

— Бу навадан 22 туп экканмиз, — деб суҳбатга қўшилади оилавий тадбиркор Асҳад Имангулов. — Бу йил 600 кило ҳосил олдик. Килосини буюртмачиларга 18 минг сўмдан сотдик. Қўшимчасига тувакда лимон кўчатларини кўқартириб, захира ҳозирлаб қўямиз.

Оилавий тадбиркорлар боғдорчиликдан ҳам яхшигина даромад топяпти. Боққа ўн турдан ортиқ 200 тупга яқин мевали дарахт экилган. Шунингдек, томорқада резаворлар, қўкат ва зираворлар бор. 30 та қўй, 2 та сигир, паррандалар ҳам парваришланаётир.

Зомин туманининг “Гулшан” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан қайтар эканмиз, қиш бўлса-да баҳор нафасига тўйиб, димоғимиздан корейс қулупнайининг хуш ифори сира кетмасди.

Зойир ЭРҒАШЕВ,
журналист



БЕПУЛ, ҚУЛАЙ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ДАРСЛАР

“ИБРАТ ФАРЗАНДЛАРИ” ЁШЛАРГА АНА ШУНДАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА

Юксалиш палласи

“Тил билган — эл билади” нақли бугунги кунда янада аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатишга ҳар қачонгидан кўра катта эътибор қаратилаётди. Умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўқитиш учун 500 дан ортиқ “Тил эгалари” жалб қилингани, халқаро тил сертификатини олиш учун имтиҳондан юқори балл тўплаган ёшларга давлатимиз томонидан харажатлар тўлиқ қоплаб берилаётгани, турли танловлар, лойиҳалар қилинаётгани фикримизга далил бўла олади.



лов, ахборот технологиялари, болалар учун инглиз тили ўргатиб келинмоқда. Қисқа вақт ичида “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси YouTube платформаси саҳифасида 728 мингдан ортиқ обуначига эга бўлди. Мазкур платформада 2700 дан ортиқ видео дарс ва тест жойланган бўлиб, улар деярли 50 миллион марта томоша қилинган.



Махфуза ОРТИҚОВА, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси менежери, филология фанлари бўйича фалсафа доктори: — “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ҳозирги кунда ёшларнинг бепул тил ўрганиши учун аjoyиб имкониятдир. 2022 йил ноябрь ойида ташкил этилган лойиҳа хорижий тилларни бепул, содда, тизимли ва креатив усулда ўргатишни мақсад қилган. Лойиҳада ёшлар қисқа муддатда ўзи учун қўлай жойдан туриб, турли чет тилларни ўрганиши мумкин. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб хорижлик меҳмонлар учун ўзбек тили ва грамматикасини ўргатишни йўлга қўйган. Бугунги кунда лойиҳа доирасида 23 та хорижий тил, хорижликлар учун ўзбек тили (инглиз, рус, озарбайжон тилларида), савдохонлик дарслари, имо-ишора тили, IELTS, TOEFL халқаро сертификатлари олишга қўмаклашувчи имтиҳонларга тайёр-

Хорижий тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш мақсадида “Ibrat Academy” мобил иловаси ишлаб чиқилган, унда фойдаланувчилар мазкур тилларни ўрганиши, лугат ёдлаши ва тестларни ечиш орқали билимларини мустаҳкамлаб бориши мумкин. “Ibrat Academy” мобил иловасида эса 1 миллион 500 мингдан ортиқ киши тил ўрганмоқда. Улардан 300 мингга яқини тил сертификатларини қўлга киритган. Жумладан, мазкур иловача бугунги кунгача 2200 та видео дарс, 2241 та тест жойлаштирилган. Айни кунларда “Ibrat Academy” мобил иловасига янги имкониятлар қўшилмоқда. Яъни инглиз тилидан нафақат грамматик билимлар, балки хорижий тил ўрганишнинг тўртта қўнғимасини қамраб олган умумий инглиз тили курси, сунъий индор ёрдамида тил даражасини аниқловчи тест ва диагностика тестлар шулар жумласидан. Ҳозирги кунда “Ибрат фарзандлари” таркибида чет тилларни ўргатувчи “TOP

100 Uni”, “Ibrat Debate”, “Ibrat Camp”, “Ibrat master class”, “Ibrat quiz”, “Нотиқлик маҳорати”, “Speaking club”, болалар учун “Ibrat Kids City” каби лойиҳалар ҳам ташкил қилиб келинмоқда. “Ibrat Debate” лойиҳаси доирасида рес-публикамизнинг барча ҳудудларида ҳафта охирида мунтазам равишда дебатлар ташкил этилмоқда. Бу орқали ёшлар инглиз тилида танқидий фикрлаш билан бирга, нуқт бойликларини оширмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида лойиҳа координатори ва ташаббускори Азизбек Зайлобидинов дунёнинг энг етакчи университети-ларидан бири — Гарвардда бакалавриятда ўқиш учун 100 фойзли грант соҳиби-га айланди. “Ибрат фарзандлари”нинг яна бир лойиҳаси — “Speaking club” йил давомида 100 дан ортиқ сессия ўтказди ва унда 2000 га яқин ёш иштирок этди. “TOP 100 Uni” лойиҳаси доирасида дунёнинг етук 100 та олийгоҳига кириш сирлари мазкур олийгоҳларда таҳсил олган ва олаётган ёшлар иштирокида ўргатиб келинмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги ва “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда лойиҳа офислари ташкил этилган бўлиб, улар ёшларнинг хорижий тилларни мукамал ўрганишига, керакли видеомаҳсулотлар билан танишишига ёрдам бермоқда. “Ибрат фарзандлари” бренди остида эсдалик совғалар (соат, худди, кепка, футболка, сумка, дафтар, ручка, бокал, кўкрак нишончи) ишлаб чиқилди ва бу совғалар тилларни мукамал ўрганаётган ҳамда бошқаларнинг чет тилини ўрганишига туртки бўлаётган фаол ёшларга тақдим этиб берилди. 2024 йилда болалар учун мўлжалланган тил дарслари ва контентлар кўпайтирилди, ҳар бир хорижий тилдан ўқиш, ёзиш, тинг-лаш тушуниш ва сўзлашувни ривожлантиришга қаратилган, “Ибрат фарзандлари” видео дарсликлари қамраб олган махсус ўқув қўлланмалар, саволлар ҳамда тестлар базаси яратилди. Ишлайман, изланаман лойиҳаси устозлари иштирокидаги марафон ва учрашувларда ёшларга мотивация берилди, йўл-йўриқ кўрсатилди. Уларни хорижий

тилларни ўзлаштиришга ва бу орқали жаҳон тарғиб қилувчи миллий контентлар, жумладан, махсус “Кураш” сериали яратилди.

Элбек ДУЛТИЕВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:



— 2023 йил январь-февраль ойларида “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида немис тили курсларига старт берилди. Ўша кунларда немис тилини ўрганиш истагида ўқув марказларига мурожаат қилиб юрган-дим. “Ибрат фарзандлари” ҳақида эшитиб, лойиҳани кўпроқ билишга ҳаракат қилдим. Хорижий тилларни ўрганиш учун энг содда йўл бўлган бепул онлайн курслар эътиборимни тортди. Ўша вақтдан немис тилини ўрганишни бошладим. Олдинда мени катта синов — талаба бўлиш жараёни кутаётганди. 7 ой мобайнида немис тилини чуқур ўрганишга интилдим. 2023 йил августда давлат имтиҳонларини муваффақиятли топишиб, ЎзДЖТУга давлат гранти асосида қабул қилиндим. Бу бир неча йиллик оғуз эди. Бунинг учун устозларим Дилфуза Латипова ва Феруза Ўрловоддан жуда миннатдорман. Уларнинг қизиқарли, креатив ва самарали дарслари ўз натижасини берди.

Бу лойиҳанинг биргина менинг ҳаётимдаги акси, мен каби юзлаб, минглаб ёшлар, тенгдошларим ундан самарали фойдалан-няпти дея оламан. Ушбу лойиҳа бепуллиги, ёш танламасли-ги ва исталган пайтда фойдаланиш имкони-ни бериши билан бошқалардан ажралиб ту-ради. “Ибрат фарзандлари” билан тилини тез ва осон ўрганиш мумкин. Интерактив дарс-лар орқали маънавий ва амалий билимларим ошиб борди. Замонавий услуб — сунъий интеллект ёрдамида ўрганиш ҳам мени жуда қизиқтирди.

Шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда бундан бир неча ой олдин турк тилини қисқа давр ичида ўрганиб олдим. Айни пайтда икки тилда бемалол гаплаша оламан. Тил билиш даражам эса иккисидан ҳам B2+ ни ташқил қилади.

Ўтган йилнинг ёз ойида уч ой Германияда бўлиб қайтдим. Тил билганим учун хорижда ҳеч қийналмадим.

Хорижий тилларни билишим ҳаётнинг ҳар бир қадамида асқаяпти. Университетимиз иккисидан ўтказиладиган халқаро ва маҳаллий форумларда чет элик устозларга таржимонлик қиламан. Хорижликлар билан суҳбатлашиб, уларга тарихимиз ва универ-ситетимиз ҳақида сўзлаб бераман. Билим ва имкониятларимдан унумли фойдаланиш мақсадида ўқув марказида немис тилидан таълим берайман.

Шоҳрух РЎЗМАТОВ, Миробод тумани 2-спорт мактаби ши-фокори, халқаро тоифадаги спорт тиб-биғи мутахассиси:

— Шифокорман. Бир кун мен ама-лиёт ўтаётган тиббиёт муассасасига жа-роҳат олган, Кубадан келган сайёҳ му-рожаат қилди. У испан тилида сўзлаша олар, ҳамкасбларим орасида бу тилни биладиганлар йўқ эди. Мен ундан аҳо-лини сўраганимда, жуда хурсанд бўлиб кетди. Қўли жароҳатлангани ва оғриқлар борлигини айтди. Биз унга тиббий кўмак кўрсатдик. Мен испан тилида ундан до-риларга аллергияси бор ёки йўқлигини, эмлашлар олганини сўрадим. Даволовчи шифокор ва бемор ўртасида таржимон бўла туриб, испан тилидаги тиббиётга оид янги сўзлар билан танишдим. Хо-рижий тилда мулоқот қилаётганимдан қанчалик хурсанд бўлмай, аммо бу тилни саёз, ҳаминқадар билишимни ҳам инкор эта олмасдим.



Шундан сўнг испан тилини мукамал ўрганишни мақсад қилдим. “Ибрат фарзанд-лари” лойиҳаси менга кўмак берди. Мен ис-

пан тилини онлайн ўргана бошладим ва бу ҳаётимни ўзгартирди.

Инсон фақат касбий фаолияти тақо-зоси ёки саёҳат учун хорижий тилларни ўрганиши керак эмас. Ҳар биримизнинг қизиқишларимиз ва сеvimли машғулотим-из бор. Она тилида бадий асарларни мутолаа қиламиз, бирор нарса ўрганамиз, фильм томоша қиламиз. Бу яхши, аммо хорижий тилларда қизиқарли ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган жуда кўп китоблар, мақолалар, фильмлар бор. Баъ-зан таржима қилинган китобларни асл нус-хада ўқиш қизиқроқ, чунки таржиманинг сифати кўпинча яхши бўлмайди ва ҳар доим ҳам муаллиф айтмоқчи бўлган фикр-ларни етказиб бера олмайди. Шу маънода, “Ибрат фарзандлари” ҳаётимга ранг-ба-ранглик олиб кирган, тил ўрганишимга кў-мак берган, мулоқот маданиятимни ошир-ган энг яхши лойиҳа дея оламан.

Азиза АБДИЕВА, лойиҳа иштирокчиси:



— “Ибрат фарзандлари”гача анча вақт тил ўргатиш курсларини қидирганман. Улар қиммат, молиявий ҳолатимга тўғри келмасди. Интернетда ўзбек тилида хори-жий тилларни ўргатишга йўналтирилган контент йўқ ва барчаси тушунарсиз эди. Кейин “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ҳақида эшитдим. “Ibrat Academy” платфо-рмаси орқали инглиз тилини янада чуқур ўрганишни бошладим. Барча дарслар ту-шунари, аниқ, ундан ташқари, интер-актив тестлар ҳам бор, улар билимимни оширишга ёрдам берди. 2023 йил баҳорда “Ibrat Camp” лойиҳаси иш бошлади. Ўс-тонликдаги сўлим оромгоҳда ўтказилган машғулотларда IELTSдан юқори натижага эришим, ишончи тўғри ёзиш, мантиқий фикрлашни ўргандим. Кўплаб дўстлар орт-тирдим, янги билимларга эга бўлдим.

Яқинда халқаро сертификат учун имтиҳон топириб, 7,5 балли қўлга ки-ритдим. Бу натижага эришимдан, инглиз тилини пухта ўрганишимда Рустам Қориев ва Искандар Камолитдиновнинг дарслари муҳим оми бўлди. Шу асосда интерактив тестлар ишладим. Бундан ташқари, сунъий интеллект ёрдамида диагностика тестларда ҳам ўз билимимни синаб кўрдим.

Бугун ёшларнинг тил ўрганиши, билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун етарли-ча шароит бор. “Тил ўрганишга маблагим етмайди”, “Яқинимизда ўқув маркази йўқ, олсиз эса қатнай олмайман” ёки “Кундузи ишлайман, тил ўрганишга қачон вақт топа-ман?” дея ўйланадиган юртдошларимиз-нинг бу муаммоси бугун ечимини топган. Улар исталган вақтда, исталган жойдан туриб, юртимизнинг етук ва тажрибали мутахассисларидан билим олиши, тил ўр-ганиши мумкин.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

Хунаремандлик

“Ер юзида битта аёл қолса ҳам заргарга иш бор”, деган нақл беҳиз айтилмаган. Заргарлик санъати ўзбек миллий маданияти тарихининг ажралмас қисми сифатида асрлар давомида тараққий этиб келаётган кўхна хунарлар сирасига киради. У бадийи хунаремандлик соҳаларидан бири бўлиб, мис, олтин, кумуш, қалай каби рангли металллардан қимматбаҳо ва ноёб зебу зийнатлар, тақинчоқлар, безак буюмларини ясашни ўз ичига олади.

Фарғоналик заргар Матлуба Тоштеми-ровани қидириб топишимиз осон бўлди. Ҳаёлимда турли зебу зийнатларга бур-канган аёл билан учрашсам керак деб та-саввур қилгандим. Адашган эканман, биз-ни Фарғоналикларга хос лутф, самимият билан қарши олди ўй бекаси. Заргар устaxonасини мўъжизалар оро-лига қиёсласа бўлади. Бетақор, нафис, сержилва, ранг-баранг зебу зийнатларга боқиб, заргарнинг меҳнат ва маҳорати, из-ланишларига тасаннолар айтмиш. Бу ерда тайёрланаётган ҳар бир иш ноёб санъат асарига тенг. Хунареманднинг ишларини кўриб, заргарлар сулоласидан бўлса керак деб ўйлагандик. Ундай бўлиб чиқмади. — Дадам техник анжомларни таъмир-лаш билан шугулланган, — дейди хунар-манд. — Шу боис, эски мис симлардан узук, сирга сингари тақинчоқлар тайёрлаб, дугоналаримга совға қилардим. Улғайсам, албатта, заргар бўламан, сизларга чиройли

зеб-зийнатлар тайёрлаб бераман деб факр-ланганим ҳамон ёдимда. Рўзгор учун бо-зорга тушиб, заргар уста билан танишиб қолганман. Дастлаб заргарлик буюмларни сотишда ёрдам бердим. Кейин бошқа заргарлар билан танишиб, махсулот тайёр-лаш сирларини ўрганишга киришдим. Бу орада ҳайкалтарош Александр Кавалчук-дан оддий тошлардан турли совға буюм-лар, ҳайкалчалар тайёрлашни ўргандим. Соҳага қизиқиш ва интилишларимни кўр-ган хунаремандлар ҳамкорликка чорлади. Шу тариқа машҳур заргар Абдусаттор Ма-шариповдан ўзбек миллий тақинчоқлари туркумига кирган зебигардон, тиллақош, кокилбалдоқ, занжирлар, узук, сиргалар тайёрлаш, қайта таъмирлаш билан боғлиқ заргарлик сир-асрорларини ўзлаштирдим. Шахсий устaxonам учун керакли жиҳоз-лар олиб, мустақил иш бошлаганимга чорақ аср бўлди. Устозимдан хануз ўрганаман, қўллаб-қувватлашидан куч оламан. Кейинги йилларда

бу хунар ва хунаремандларни қўллаб-қув-ватлашга бўлган эътибор ошди. Аввалла-ри хомашё топиш, махсулот сотишда тур-ли қийинчиликларга дуч келганмиз. Энди ҳаммаси ўзгарди. Ишлайман, изланаман деганга барча шароитлар яратилган.

Заргарликда ҳар бир ҳудуднинг ўз ус-луби, тайёрлаш аъёнчалари бор. Фарғона заргарлик йўналишида кокилбалдоқ нус-хали тақинчоқлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. У ўзига хос жилва, ранг-баранг товланиши, кокил каби нозик кўринишни билан ажралиб туради.

— Заргар, аввало, яратувчи бўлиши талаб этилади, — дейди уста. — Унда

шахснинг ҳар бир жиҳатини эътиборга олиш зарур. Масалан, аёллар юз тузли-ши, кўз қорачиги, соч турмаги, кийиниш услуби муҳим. Бунга эътибор бермай, ми-жозга ёқадиган буюм ясаб бўлмайди. Шо-гирдларимга хунаремизнинг бу жиҳатла-рини жуда кўп бор айтман, унга амалга қилишга ундайман. Чунки инсонга ёққан нарса унга ярашиқли бўлиши ҳам керак. Махсулот тайёрлашда мис, кумуш, мар-варид, ёқут, дурдан кенг фойдаланишга эътибор қаратамиз.

Заргарлик буюмлари нафақат чиройли кўриниши, балки инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатларга бойлиги билан ҳам эътиборни тортади. Хусусан, мисдан тай-ёрланган билакузуклар томир уришини меъёрлаштиради, кумуш қонни суюлти-ради, мис эса танадаги зарарли бакте-рияларни ўлдиришда яхши самара беради. Шу боис, ота-боболари-миз мис идишлардан фойда-ланишни афзал кўрган.



вазифасини бажарувчи Рашидjon Аминов. — Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Хунаремандчилик фаоли-ятини қўллаб-қувватлаш тизимини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада қатор им-коният эшикларини очди. Бугунги кунда вилоят уюشمаси таркибида заргарлик бил-лан шугулланаётган 26 нафар хунареманд бор. Улар қаторида сулолайи, “уста-шо-гирд” аъёнчалари асосида фаолият юрита-ётган заргар хунаремандлар сафи кўпайиб бормоқда. Фарғона шахридан Матлуба Тоштемирова, маргионлик Яхёхон Абду-жабборов, Акбаржон Умаралиев, қўқонлик Ҳикматой Ғисеова, Мақсуджон Убайдул-лаев кўхна хунар дурдонларини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кўз-қўз этиб келмоқда. Бундан ташқари, “уста-шо-гирд” аъёнчалари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунаремандларга шоғирдлар тайёрлаши, зарур хомашё сотиб олиши ва шоғирдларни иш ҳақи билан таъмин-лаш, мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишда қатор имтиёзлар берилди. Интер-нет сайтлари очиш, махсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама учун усталарга интернет хара-жатларини қоплаш, ногиронлиги бўлган шахсларга иш жойини мослаштириш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Хунаремандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғар-маси ҳисобидан 265,1 миллион сўм субси-дия ажратилди.

Заргарлик осон иш эмас. У сабр-бар-дош, кунт, интилиш ва изланиш, кўз нури, қалб кўрининг махсули. Заргар устaxonа-сида бўлганимда кўрган, билганларимиз бу ҳаёт ҳақиқатларини яна бир бор ёди-мизга солди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Шерзод Қорабове олган суратлар.

6

2025 йил 1 февраль, 23-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

СОҒЛОМ ТУРМУШ
САҲИФАСИ

КЕКСАЙГАНДА
ХОТИРЖАМ ЯШАШ ШАРТИ

Ҳамроқул РАФИЕВ,
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
Самарқанд филиали профессори

Бугунги илмий-техникавий тараққиёт инсон ҳаёти учун зарур жисмоний фаолликни камайтириб юборди. Натижада сурункали касалликларга чалинганлар сони ортиб бормоқда. Асосий сабаб эса жисмоний фаоллик етишмаслиги, камҳаракатлилик эканини мутахассис олимлар бонг уриб, одамларни соғлом турмуш тарзи талабларига риоя этишга даъват қилмоқда.



Соғлом турмуш тарзи янги мавзу эмас. Қадимдан одамлар соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунчага эга бўлган. Жумладан, буюк табиб, файласуф Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ғояси асосида ёзилган. Аллома саломатликни сақлашда жисмоний фаоллик муҳимлигини, биринчи ўринда бадантарбия, ундан кейин овқатланиш тартиби ва уйқу туришини қайд этган. Буюк табиб бундай ёзади: “Меъёрида ва ўз вақтида бадантарбия билан шугулланидиган инсон ҳеч қандай даволашишга муҳтож эмас”. Даволашишга муҳтож бўлмаган инсон соғлом бўлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги 100 та мақсад орасидан кексалар ўртасида ва умуман, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш масалалари ҳам ўрин олган. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар самара бермоқда. Мамлакатимизда 10 минг қадам юриш, югуриш марафони, “Беш ташаббус”, “Аҳоли жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари каби мусобақалар одамларда жисмоний фаолликни ошириш орқали умумий маданиятнинг юксак даражада шаклланишига ёрдам беради. Бу одамларни маънавий, жисмоний, руҳий қувватлантириб, саломатлигини яхшилайди. Биз жисмоний маданиятни бугун қаерда

оммалаштирсак, ўша ерда соғлом турмуш қарор топади. Бу янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим омиллардан.

Бир вақтлар Самарқанд вилояти ҳокимлигида спорт масалалари бўйича маслаҳатчи, спорт ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси бўлган



ман. Ўша пайтларда кексаларимизни қандай қилиб соғломлаштирамиз, деган савол бизни ўйлантирган. Беш кишилик кичик гуруҳ тузиб, дастлаб Самарқанд давлат чеп тиллар институти базасида

шугулландик. Кичик мусобақаларимизда 70 яшарлар ҳам қатнаша бошлади. Сафимиз кенгайиб борди. Бу жуда яхши ҳолат эди. Инсоннинг кексалик даврида соғлом бўлиши жуда муҳим. Агар бетоб бўлса, ўзини, саломатлигини, турмуш тарзини бошқара олмайди. Жамиятда фаоллиги, кўпгина имконияти чекланади. Оиласида хотиржамлик бўлмайди. Шифокорга кўриниш, дори-хоналарга мурожаат қилиш керак бўлади. Бу оиланинг молиявий аҳволига жиддий таъсир қилади. Пешана тери эвазига топилган маблаг дори-дармонга, шифохоналарга сарфланади. Кези келганда одамнинг моддий, маданий-ижтимоий ҳолатини яхшилашга маблаг ҳам етмай қолади. Шу сабаб кексаларнинг жисмоний фаоллигини таъминлаш учун нурунийлар ўртасида турли жисмоний машғулотлар, соғломлаштирувчи спорт мусобақалари дастурини туздик. Уларнинг ёшига мос, саломатлигини яхшилаш мумкин бўлган оддий жисмоний ҳаракатлардан иборат спорт турларини ишлаб чиқдик. Ҳар йили байрамларда нурунийлар йиғилиб, биз учун махсус ажратилган “Афросиёб” спорт мажмуасида соғломлаштирувчи мусобақалар ташкил этадиган бўлдик. Самарқанд шаҳридаги хиёбонда оммавий югуришни бошладик, югуриш марафонларида фаол иштирок этдик. Кексалар ўртасида “Уч кураш” номили соғломлаштирувчи спорт мусобақаси ўтказдик. Бу “Афросиёб” спорт мажмуасининг 164 метрли йўлаги бўйлаб югуриш, баскетбол тўпини масофадан туриб саватга тушириш,

бажарилади. Биз соғлом турмуш тарзини шу тариқа тарғиб қила бошладик. Мусобақаларга юзлаб одам келадиган бўлди. Улар тиббий кўриқдан ўтиб келса ҳам ўзимиз қайтадан кўриқдан ўтказамиз. Шифокорлар тавсиясига кўра, иштирокчилар гуруҳга қабул қилиниб, соғломлаштирувчи спорт мусобақаларига жалб этилади. Агар саломатлиги спорт билан шугулланишга монелик қилса, мухлис сифатида иштирок этиши мумкин. Шугулланаётганларнинг 96 фоизда қон босими меъёрга экани аниқ бўлди. Бу жуда яхши натижа эди.

Баъзан миллий ўйинларни ҳам тарғиб қиламиз. Шоғирдларим миллий ўйинларни яхши билади. Мусобақаларда фаол иштирок этиб, миллий ўйинларни муваффақиятли намойиш этиб, кекса авлод вакиллари ҳам жалб қилишга эришяпмиз. Масалан, Пастдарғом тумани Чархин кўргонидagi 51-мактабда шоғирдим Дилшода Исроилова кекса онахонлар билан ташкил қилган ҳаракатли ўйинлар асосидаги соғломлаштирувчи спорт машғулотлари натижасида онахонларнинг соғлиги яхшиланиб, дори-га, даволашишга эҳтиёжи сезиларли даражада камайди. Айниқса, кўконлик иқтидорли шоғирдим Илсэжон нафақат юртимиз миқёсидаги, балки халқаро даражадаги югуриш марафонларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йил 1-3 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрининг муҳташам Регистон майдонида 2, 5, 10, 21, 42 километр масофага югуриш бўйича халқаро хайрия марафони ўтказилди. Ушбу марафонда мен ҳам 2 километрга югуриб, “Ёши энг улуг иштирокчи” сифатида эътироф этилдим ва махсус соврин билан тақдирландим. Марафонда 76 дан 80 ёшгача бўлган нурунийлар — нарпайлик Қудрат бобо, иштихонлик Рўзи бобо, Самарқанд туманидан Жўрақул бобо ва бошқалар иштирок этди. Ўзим 86 ёшга қараб кетяпмиз. Ҳали-ҳамон югураман. Кексаликда қандай югуришни билиш керак. Унинг ўзига хос хусусияти бор. Нафас ростлаш, қўл ҳаракати, гавдани тутишга алоҳида ёндашилиди. Шунинг сирларини аста-аста ўрганиб, ўзимизга дастур қилиб оляпмиз.

Мамлакатимизда аҳолининг барча қатлами жисмоний фаоллигини ошириш учун яхши шароит яратилмоқда. Биз, нурунийлар мана шу шароитлардан унумли фойдаланишимиз давр талабидир. Мақсадимиз мамлакатимизда жисмоний маданият қарор топиб, ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзига амал қилсин. Бу ҳақдаги зарур билим ва кўникмага эга бўлсин. Зеро, соғлом миллат — янги Ўзбекистоннинг таянчи, бебаҳо бойлиги.



Мутахассис тавсияси

ЎЗЗУКУН ЎТИРИБ ИШЛАЙДИГАНЛАР
УЧУН МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ

Оёқ мускулини чўзинг

Стулда ўтиринг (оёқлар ерда) ва битта оёгингизни олдинга кўтаринг, икки сония тутиб туринг. Бунга ҳар бир оёгингиз учун 15 мартадан такрорланг.

Елкани айлантиринг

Тўғри ўтиринг ва курақларни бир-бирига яқинлаштириб, айланма ҳаракат қилинг. Шу ҳаракатни 12-15 марта такрорланг.

Бўйин мускулини ҳаракатлантиринг

Бошингизни қўлларингиз билан чангаллаб ушланг. Кафтарини пешангага тушириб, бошни орқага ташланг. Бўйин мушаги билан эса ушбу ҳаракатга бор кучингиз билан қаршилиқ кўрсатинг. Шундан сўнг кафтарини бошининг орқа томонига қўйинг ва машқни тескари йўналишда такрорланг.

Белни чўзинг

Стулда тик ўтириб, икки оёқни бирлаштиринг. Қўлларни юқори кўтаринг. Чап қўлни столга қўйинг ва ўнг қўл билан стул суянгичини ушланг. Ўнгга бурилиш ва 10 сония шу ҳолатда ўтиринг. Ҳаракатни бошқа йўналишда ҳам такрорланг.

Елка чигилини ёзинг

Стулда тўғри ўтиринг, чап қўлингизни пастдан орқага ўтказинг, ўнгини эса юқори кўтариб, елкангиз оша орқадан ўтказинг. Қўлларни бир-бирига чирмаштириб, чўзининг.

Биқинни чўзинг

Стулда тик ўтиринг. Чап қўлни кўтариб, ўнг қўл билан чап тирасани ушланг. Чап қўлни ўнг томонга чўзинг, 10 сония қимирламай ўтиринг. Қўлларни алмаштириб, ҳаракатни такрорланг.

Елка чигилини ёзинг

Стулда тўғри ўтиринг, чап қўлингизни пастдан орқага ўтказинг, ўнгини эса юқори кўтариб, елкангиз оша орқадан ўтказинг. Қўлларни бир-бирига чирмаштириб, чўзининг.

Белни чўзинг

Стулда тик ўтириб, икки оёқни бирлаштиринг. Қўлларни юқори кўтаринг. Чап қўлни столга қўйинг ва ўнг қўл билан стул суянгичини ушланг. Ўнгга бурилиш ва 10 сония шу ҳолатда ўтиринг. Ҳаракатни бошқа йўналишда ҳам такрорланг.

Елка чигилини ёзинг

Стулда тўғри ўтиринг, чап қўлингизни пастдан орқага ўтказинг, ўнгини эса юқори кўтариб, елкангиз оша орқадан ўтказинг. Қўлларни бир-бирига чирмаштириб, чўзининг.

Белни чўзинг

Стулда тик ўтириб, икки оёқни бирлаштиринг. Қўлларни юқори кўтаринг. Чап қўлни столга қўйинг ва ўнг қўл билан стул суянгичини ушланг. Ўнгга бурилиш ва 10 сония шу ҳолатда ўтиринг. Ҳаракатни бошқа йўналишда ҳам такрорланг.

Елка чигилини ёзинг

Стулда тўғри ўтиринг, чап қўлингизни пастдан орқага ўтказинг, ўнгини эса юқори кўтариб, елкангиз оша орқадан ўтказинг. Қўлларни бир-бирига чирмаштириб, чўзининг.

Белни чўзинг

Стулда тик ўтириб, икки оёқни бирлаштиринг. Қўлларни юқори кўтаринг. Чап қўлни столга қўйинг ва ўнг қўл билан стул суянгичини ушланг. Ўнгга бурилиш ва 10 сония шу ҳолатда ўтиринг. Ҳаракатни бошқа йўналишда ҳам такрорланг.

Елка чигилини ёзинг

Стулда тўғри ўтиринг, чап қўлингизни пастдан орқага ўтказинг, ўнгини эса юқори кўтариб, елкангиз оша орқадан ўтказинг. Қўлларни бир-бирига чирмаштириб, чўзининг.

Белни чўзинг

Стулда тик ўтириб, икки оёқни бирлаштиринг. Қўлларни юқори кўтаринг. Чап қўлни столга қўйинг ва ўнг қўл билан стул суянгичини ушланг. Ўнгга бурилиш ва 10 сония шу ҳолатда ўтиринг. Ҳаракатни бошқа йўналишда ҳам такрорланг.

Мулоҳаза



Абдулла Авлонийнинг 1914 йилда “Садон Туркистон” газетасида чоп этилган мақоласида бундай жумлаларга дуч келамиз: “Энди вайрона соҳибларини фақир ва зорликда яшаган, бола-чақаларини қўл кучи билан ўғдирадиган,

НОТИҚЛИК: ҚАЛБЛАР УЙЎНЛАШАДИ, БИР МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ ИСТАГИ КУЧАЯДИ

Фарҳод БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, олий тоифали суҳандон

2025 йилнинг ҳам бир ойини яшаб ўтдик. Бошланган йил қалбларга чексиз ҳаяжон олиб кирди, юракларни жунбوشга келтирди. Ахир умримиз китобининг яна бир саҳифаси ёпилди. Гоҳ кутилмаган қувонч, гоҳ ташвиш, гоҳ иккиланиб, етти ўлчаб бир кесишдек қалтис дамларга гувоҳ бўлган бир йилимиз ортда қолди.

тўй деган ерда муқаддас ватанни сотиб, сарф қилмоққа тортинмайдиган “ҳозирам — ҳузурам”, деб истиқболини ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган қавмдан қандай тараққий ва маърифат кутмоқ керак?”. Қанчалик оғир бўлмасин, бу — ҳақиқат. Демак, бундан 100 йиллар бурун ҳам таълим-тарбия, билим олишга рағбат йўқлигидан зиёлиларимиз нолиган...

Шуқри, бугун давр бошқача. Аммо ёш авлоди тарбиялаш, билимли қилиш масаласи ҳамон долзарб. “Бешиқдан қабргача илм изла”, дейилади табарруқ манбаларда. Бу йўлда тўхташ, бир муддат нафас ростлашга фурсат йўқ. Зеро, жамиятнинг келгусидиган макъеи, ҳолати, шубҳасиз, мактабларда фарзандларимизга дарс бераётган ўқитувчи ва мураббийларнинг инсоний хислатлари, маънавий қомиллик даражасига боғлиқ.

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, “Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доимо тўқнашиб турадиган бугунги кунда меҳнаткаш одам шахсияти, бой маънавий дунёси, замоннинг қай

жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан қадрлидир”. Ўтмиши хотирасидан кўтарилган, ўз қавми ва бошқа халқлар тарихидан бехабар киши фақат бугун билан яшайди.

Ўзбекистон ёшлари ўз билими ва салоҳияти билан дунёдаги энг иқтидорли тенкурларни билан бемалол беллаша олади. “Куёш бўлмаган ҳам юлдуз бўл. Юлдуз бўлганда ҳам осмондаги энг ёрқин юлдуз бўл”, дейди атоқли адиб Робиндранат Тагор.

Фарзандларимизга айтар сўзимиз, табиийки, бор ва кўп.

“Сўзамоллик ақлга сайқал берувчи нур... Тарихда ё яхши ҳарбий саркарда, ё яхши нотик бўлиб қолиш керак”, деган эди буюк файласуф, нотик Цицерон.

Нотиклик санъатидан бохабар киши тез эътиборга тушади. Айниқса, ёш нотик сўз қудрати орқали қандай қилиб тендошлари қалбини забт этгани, уларнинг сардорига айланганини ўзи ҳам билимай қолади. Зеро, нотиклик — қалбларни эгаллаш санъати.

Бугунги ҳар бир раҳбар нотиклиқни, гапириш санъатини тўла эгаллаши лозим. Акс ҳолда, фикрини атрофидигарларга тўлиқ, тўғри еткази олмайдди. Бу эса уни ўз мақсадида чалғитади. Одамлар ҳеч қачон муҳаддасини аниқ, пухта айтолмайдиган инсон атрофида йиғилмайди, жам бўла олмайдди.

Биз эрамиздан олдинги даврлардаёқ буюк давлат яратган миллатимиз. Бундай мақомга эришган давлатлар сафига ҳозирги Миср, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Эрон, Япония, Юнонистон, Италияни киритиш мумкин.

Лондон ХI асрда пайдо бўлган. Ҳолбуки, Самарқанд 2750, Термиз ва Қарши 2700, Бухоро, Хива эса 2500 йиллик тарихга эга шаҳарлардир. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Замахшарий каби олим боболаримиз, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларни, Навоий, Оғаҳий, Бобур каби шоирларни берган халқнинг қони юрагимизда, томиримизда жўш уриб оқяпти.

Юртимизнинг узоқ асрлик тарихини чуқур ўрганиш Ўзбекистондаги ҳар бир йигит-қизнинг бурчидир. Бундан бир неча минг йил

иллари “Авесто” китобида ёзилган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ғояси халқимизнинг қалбида, дилида яшаётир.

Бонча ёшидаги фарзандларимизга ўзбек тилида нотиклиқни ўргатиш бўйича дадил қадамлар ташланганига тўрт йилдан ошди. Нотиклик орқали болада она тилига, юртга, ватанга меҳр уйғонади. Энди мактаб ёшидаги болаларга сўзамоллик, бирон сўзлаш санъати бўйича тўғра-рақлар ташкил этиш, бу йўналишда мусобақалар ўтказиш фурсати келди.

Халқни яхшиликлар сари бошлашда сўзамоллик санъати жуда катта қудратга эга. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Минбарларда, халқ орасида юриб, одамлар қалбига йўл топиш қилишдан юксак салоҳият, дошмандлик, тафаккур, бой инсоний фаилларни талаб қилади. Нотиклик санъатини эгаллаган инсон овозида кишини ром этадиган оҳанрабо, ёрқин куч намоён бўлади. Бу қудрат атрофида эса минглар, миллионлаб қалблар уйғунлашади, бир мақсад сари интилиш истаги пайдо бўлади. Ана шу буюк истакни рўёбга чиқара олган сўз усталари — нотиклар, сўзамоллар ҳамisha хурмат ва эъзозда бўлган.

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.